

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

РЎЗМАТОВ ҚОБУЛ МАШРАББОЎВИЧ

**ХИҚИЛДОҚНИНГ СУРУНҚАЛИ ТОРАЙИШИ БЎЛГАН
БЕМОРЛАРДА ДАВОЛАШ ТАКТИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.04 – Оториноларингология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2022

УДК: 616.22-007.271-036.12

Докторлик (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (PhD) диссертации

Contents of the abstract of doctoral (PhD) dissertation

Рўзматов Қобул Машраббоёвич

Ҳикилдоқнинг сурункали торайиши бўлган беморларда даволаш
тактикасини такомиллаштириш 3

Рузматов Кобул Машраббоёвич

Оптимизация лечебной тактики у больных с хроническими стенозами
гортани..... 27

Ruzmatov Kobul Mashrabboevich

Optimization of treatment tactics in patients with chronic stenosis
of the larynx..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 51

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

РЎЗМАТОВ ҚОБУЛ МАШРАББОЎВИЧ

**ХИҚИЛДОҚНИНГ СУРУНҚАЛИ ТОРАЙИШИ БЎЛГАН
БЕМОРЛАРДА ДАВОЛАШ ТАКТИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.04 – Оториноларингология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.4.PhD/Tib1494 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат стоматология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси (www.tsdi.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали (www.ziyo.net.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Шамсиев Джаҳангир Фазлитдинович тиббиёт фанлари доктори
Расмий оппонентлар:	Григорьева Алла Александровна (Россия Федерацияси) тиббиёт фанлари доктори, профессор Бакиева Шахло Хамидуллаевна тиббиёт фанлари доктори, доцент
Етақчи ташкилот:	А.Алиев номидаги Озёрбайжон давлат шифокорларни малакасини ошириш институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат стоматология институти ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.59.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100016, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Махтумқули кўчаси, 103-уй. Тел./Факс: +99871-230-20-73; e-mail: info@tsdi.uz).

Докторлик диссертацияси билан Тошкент давлат стоматология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100016, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Махтумқули кўчаси, 103-уй. Тел./Факс: +99871-230-20-73.

Диссертация автореферати 2022 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2022 йил «__» _____ даги № __ рақамли реестр баённомаси)

Н.Қ.Хайдаров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори

Л.Э.Хасанова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

А.А.Абдукаюмов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори

КИРИШ (докторлик (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда ҳиқилдоқ ва трахеянинг шикастланишлари барча ЛОР-аъзолари шикастланишлари орасида кам сонли бўлишига қарамай, оториноларинголог, жарроҳ ва реаниматологлар диққат эътиборини ҳар доим жалб қилади, чунки улар кўпинча ҳаётини фаолиятини бузилишига олиб келади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, «...ҳиқилдоқнинг сурункали торайиши барча ЛОР-аъзолари касалликларининг 7,7%ни ташкил қилади...»¹. Сўнгги ўн йилликларда ҳиқилдоқ ва трахеянинг сурункали стенози бўлган беморлар сони сезиларли даражада ошган, бунга реанимация чоратадбирларини ўтказишда ва наркоз беришда трахея интубациясининг кенг қўлланилиши ва транспорт, маиший, спорт жароҳатларининг кўпайиши сабаб бўлмоқда. Ҳиқилдоқ ва трахея тоғайининг яллиғланишли зарарланиши сабаблари жуда хилма-хил ва кенг ўрганилмоқда. Ҳиқилдоқ ва трахея шикастланишининг энг типик этиологик омиллари реанимацион жароҳатлари интубация ва трахеостомия, бўйиннинг ташқи жароҳатланиши, қалқонсимон без ва бўйиннинг ичи бўш органлари жарроҳлик амалиётида юзага келадиган ятроген шикастланишлардир. Травматик шикастланишлар ҳиқилдоқ ва трахеяда бирламчи сурункали кечишга мойил бўлиб, тоғайни шикастлаш, тўқималарнинг турғун инфилтрацияси ва шиши, нафас олиш йўллариининг турғун яллиғланишли жараёнлари ҳар доим ҳам патогенетик изоҳ топа олмаган, бу эса илмий мунозара ва уларни даволаш бўйича зиддиятли тавсияларга олиб келиши, касалликнинг кенг тарқалганлигини ва муаммонинг долзарблигини кўрсатади.

Жаҳонда ҳиқилдоқнинг сурункали торайиши бўлган беморларда даволаш тактикасини такомиллаштиришга қаратилган қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада ҳиқилдоқнинг сурункали торайишининг тарқалишини ва унинг клиник хусусиятларини, ҳиқилдоқнинг сурункали чандиқли торайишининг турли шаклларида клиник-функционал ва инструментал тадқиқот натижалари таҳлилини, ҳиқилдоқнинг сурункали чандиқли торайиши бўлган беморларни жарроҳлик йўли билан даволаш баллон кенгайтиришдан фойдаланиш самарадорлигини, ҳиқилдоқнинг сурункали чандиқли торайиши бўлган беморларда дипроспанни маҳаллий қўллаш ҳамда ҳиқилдоқнинг сурункали чандиқли торайиши бўлган беморларни даволаш тактикасини ишлаб чиқиш самарадорлигини баҳолашни такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, турли соматик касалликларни даволашда тўғри мақсадга йўналтирилган чора тадбирларни

¹ ЖССТнинг ташкилотининг йиллик ҳисоботлари

ўтказишга қаратилган муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг еттига устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, ҳиқилдоқнинг сурункали торайиши бўлган беморларда даволаш тактикасини такомиллаштириш борасида қатор илмий тадқиқотларни амалга ошириш алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлар ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши–нинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳиқилдоқ ва трахеянинг ятроген ёки тиббий патологияси билан касалланганлар сони доимий равишда кўпайиб бормоқда. Уларнинг ортиб боришини шошилиш вазиятларда интубация ва трахеотомиянинг кенг жорий этилиши билан ҳам, бундай асоратларнинг олдини олишнинг йўқлиги билан ҳам изоҳлаш мумкин [Бобров В.М., 2015, Ткаченко Е.В. и соавт., 2013, Guri S. et al., 2015]. Ҳиқилдоқ ва трахеяни интубациядан кейинги торайишига таъсир қилувчи асосий омиллар бу интубация давомийлиги, оғир ёндош патология, эндотрахеал найча билан ортиқча ва кўпол манипуляциялар, ёмон парвариш, шунингдек эндотрахеал найча манжетининг юқори босими ҳисобланади [Гогорева Н.Р., 2014, Kevin F. et al., 2013]. Трахеотомия пайтида ҳиқилдоқнинг шикастланиши кўпинча шошилиш жарроҳлик амаллар пайтида, нафас олиш найчаси узуксимонқалқонсимон тоғайга яқин очилганда ёки узуксимонқалқонсимон ораликда очилганда юз беради, бу эса ҳиқилдоқ ва трахеянинг турғун торайишига олиб келади [Захарова М.Л., Павлов П.В., 2016, Komatsu Y. et al., 2006, Rodrigo C. et al., 2012]. Ҳиқилдоқ ва трахеянинг реанимациядан кейинги торайишларини даволашнинг муваффақияти жароҳатланишдан сўнг ўтган

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

вақт, даволанишнинг кетма-кетлиги ва табиати билан белгиланади. Жарроҳлар орасида ушбу патологияни эрта аниқлашга қаратилган диагностика тадбирларининг кетма-кетлиги ва кўлами тўғрисида ҳали ҳам умумий фикр йўқ. Натижада, даволанишнинг мақбул вақти кўпинча ўтказиб юборилади. Ҳозирги вақтда ҳиқилдоқ ва трахея торайиши билан касалланган беморларнинг 99% шошилиш кўрсатмалар бўйича ушбу органларнинг 2-3 даражали чандиқли торайиши билан касалхонага ётқизилган [Серебренникова Е.В., 2012, Hautefort С. et al., 2012].

Ҳиқилдоқ ва трахеянинг мавжуд бўлган сурункали беркилиши беморларни узоқ муддатли, кўпинча доимий ногиронликка олиб келиши ва шу билан бирга, ушбу беморларнинг аксарияти ёш ва ўрта ёшдаги инсонлар қайт қилишини асосланган [Хасанов У.С., 1999, Абдуллаева Н.Н., Ходжаева К.А., 2002, Logan В. et al., 2014], бироқ ҳиқилдоқнинг сурункали торайиши бўлган беморларда даволаш тактикасини такомиллаштирилмаган.

Бундай беморларни даволашнинг асосий усули сифатида жарроҳнинг юқори малакасини талаб қиладиган, ҳиқилдоқ ва трахеяни узоқ муддатга кенгайтирадиган кўп босқичли жарроҳлик амаллари қўлланилади. Шу билан бирга, ҳиқилдоқ ва трахея торайиши бўлган беморларни даволашда анъанавий тиббиёт усуллари, янги тиббий технологияларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши муносабати билан, мавжуд стереотипларни муайян қайта кўриб чиқишга мажбур қилади. Шундай қилиб, 70-85% ҳолларда нафас олиш фаолиятини тикланиши кузатилади. Ҳиқилдоқ ва трахеянинг реанимациядан кейинги торайиши бўлган беморларни эрта ташхислаш, даволаш ва олдини олиш муаммоси муҳим тиббий, шунингдек ижтимоий ва иқтисодий аҳамиятга эгаллиги билан муамонинг долзарблиги ва заруриятини белгилайди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат стоматология институти Оториноларингология кафедрасининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ № 011400202 «Юқори нафас йўллари ва қулоқнинг яллиғланиш, яллиғланишсиз касалликларини ташхислаш ҳамда даволашни такомиллаштириш» (2018–2022) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ҳиқилдоқнинг сурункали чандиқли торайиши бўлган беморларни даволаш самарадорлигини ошириш ҳамда жарроҳлик амалиётидан олдинги ва кейинги парваришлашни такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ҳиқилдоқнинг сурункали торайишининг тарқалишини ва унинг клиник хусусиятларини баҳолаш;

ҳиқилдоқнинг сурункали чандиқли торайишининг турли шаклларида клиник-функционал ва инструментал текшириш натижалари таҳлили ўтказиш;

ҳиқилдоқнинг сурункали чандиқли торайиши бўлган беморларни

жарроҳлик йўли билан даволаш баллон кенгайтиришдан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш;

ҳиқилдоқнинг сурункали чандиқли торайиши бўлган беморларда дипроспанни маҳаллий қўллаш самарадорлигини баҳолаш;

ҳиқилдоқнинг сурункали чандиқли торайиши бўлган беморларни даволаш тактикасини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2020 -2022 йиллар давомида Тошкент тиббиёт академиясининг кўп тармоқли шифохонасида ЛОР бўлимида даволанган 52 нафар бемор ҳамда назорат гуруҳига 20 нафар соғлом пациентлардан ташкил топган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида ҳиқилдоқнинг сурункали чандиқли торайиши бўлган беморлар ва уларнинг периферик веноз қонидан олинган материаллар олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Ҳиқилдоқнинг сурункали торайиши ташхисланган беморларни даволаш тактикасини такомиллаштиришда клиник, лаборатор, инструментал, функционал, морфологик ҳамда статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ҳиқилдоқ шиллиқ қаватнинг қалинлашиши, плазмацитар инфильтрацияси, ҳиқилдоқ ёриғининг тўлиқ бекилиши билан бирга тоғай халқаларининг оссификацияси, ҳиқилдоқ ва трахея шиллиқ қаватининг эпителийси тукларининг йўқолиши ҳиқилдоқнинг сурункали чандиқли торайишининг шаклланишида хавфли омил эканлиги исботланган;

ҳиқилдоқнинг сурункали чандиқли торайиши чандиқ соҳасида амалга оширилган даволаш таратиби чандиқни юмшатиб баллон дилатация қилишда асоратларни камайтириш ва қайта чандиқ ҳосил бўлишини олдини олиш тартиби асосланган;

ҳиқилдоқнинг сурункали чандиқли торайишининг овоз бойламлари ости соҳасида торайиш бўлган беморлар ва ҳиқилдоқнинг овоз бойламлари ости ва трахея соҳасида торайиш бўлган беморларни даволашда баллон дилатациянинг анъанавий даволашга нисбатан самарадорлиги исботланган;

ҳиқилдоқ, трахеостома ва бронхлар бактериял биоценозларининг полимикроб табиати, фақат айрим дори воситаларига сезгирлиги юқори бўлган патоген ноклостридиал анаэроблар борлиги бактерияларнинг таниқли антибиотикларга чидамлилигининг ортиши антибактериял терапиянинг самарали даволаш тартибини белгиланганлиги асосланган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

клиник тадқиқотлар асосида ҳиқилдоқнинг сурункали чандиқли торайиши мавжуд беморларни жарроҳлик реабилитацияси натижаларини башорат қилиш бўйича аниқ тавсиялар шакллантирилган;

ҳиқилдоқнинг сурункали торайиши бўлган беморларни жарроҳлик ва дори-дармон билан даволашнинг патогенетик асосланган усуллари ишлаб чиқилган;

ҳиқилдоқнинг сурункали торайиши бўлган беморларни жарроҳлик йўли билан даволашга тайёргарлик жараёнида беморларни клиник текширишнинг мақбул ҳажми баҳоланган;

даволаш тартибини қўллаш даво натижаларини яхшилаш ва даволаш босқичлари ва муддатлари қисқариши туфайли сезиларли иқтисодий аҳамиятга эга бўлганлиги баҳоланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган беморлар сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий ўзаро бир–бирини тўлдирувчи клиник, лаборатор, инструментал, функционал, морфологик ҳамда статистик тадқиқот усулларида ҳиқилдоқнинг сурункали торайиши билан беморларни даволаш тактикасини такомиллаштириш тартиби халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, ҳиқилдоқнинг сурункали чандиқли торайишининг турли шакллариининг ўзига хослиги клиник, функционал, эндоскопик, компьютер томографик, морфологик текширув натижаларининг ишончлилиги ҳамда кўрсаткичларнинг фарқланиши билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, ҳиқилдоқнинг сурункали чандиқли торайиши бўлган беморларни жарроҳлик амалиётидан олдинги парваришlash ва баллон дилатация ёрдамида ҳиқилдоқ торайишини кенгайтириш орқали ҳиқилдоқ ва трахея соҳасидаги яллиғланиш жараёни бошланишини олдини олиш, беморлар нафас фаолиятини тиклаш, беморларнинг қисқа муддатлар ичида ҳолатларининг тикланиши билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ҳиқилдоқнинг сурункали торайиши ташхисланган беморларни даволаш тактикасини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ҳиқилдоқнинг сурункали чандиқли торайиши бўлган беморларни жарроҳлик даволашга тайёрлаш бўйича олинган илмий тадқиқотнинг натижалари асосида ишлаб чиқилган «Ҳиқилдоқнинг сурункали стенози бўлган беморларни операциядан олдинги тайёрлаш бочқичида ва операциядан кейинги даврда консерватив даволаш усули» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 19 январдаги 8н-р/20-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома ҳиқилдоқнинг сурункали чандиқли торайиши бўлган беморларни жарроҳлик амалиётига тайёрлаш талаблари натижасида чандиқни юмшатиш ва жарроҳлик усулига тайёрлаш имконини берган;

ҳиқилдоқнинг сурункали чандиқли торайиши ташхисланган беморларни жарроҳлик усулини такомиллаштириш бўйича олинган илмий тадқиқотнинг

натижалари асосида ишлаб чиқилган «Сурункали ҳиқилдоқ стенозини жарроҳлик йўли билан даволаш усули» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 19 январдаги 8н-р/20-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома ҳиқилдоқнинг сурункали чандиқли торайиши бўлган беморларни хирургик даволаш тактикасини такомиллаштириш хасталиқнинг қайталанишлар сонини камайтириш имконини берган;

ҳиқилдоқнинг сурункали торайиши ташхисланган беморларни даволаш тактикасини такомиллаштиришга қаратилган илмий-тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, В.Вохидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази ва Фарғона вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказида клиник амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 20 июндаги 08-17620-сон маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши ҳиқилдоқнинг овоз бойламлари соҳасида торайиши ҳамда ҳиқилдоқнинг овоз ости ва трахея соҳасидаги торайиши бўлган беморларда баллон дилатацияси натижасида амалиёт анъанавий жарроҳлик амалиётига нисбатан 86% ижобий натижа бериши ҳамда беморларларнинг шифохонада даволаниш $4,2 \pm 0,8$ кун ва тўлиқ реабилитация даврининг давомийлиги $32,6 \pm 5,6$ кун сезиларли даражада қисқартириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та Республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш нашр этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 112 бетни ташкил этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисми ҳиқилдоқнинг сурункали торайиши этиологияси ва даволаш усулларига бағишланган тадқиқотларнинг долзарблиги ва заруратини асослашга, текшириш мақсади ва вазифалари, объект ва предметларини тавсифлаш келтирилган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Ҳиқилдоқнинг сурункали чандиқли торайишини даволашнинг замонавий талқини»** деб номланган биринчи бобида ҳиқилдоқнинг сурункали торайиши этиологияси, клиникаси, касалликнинг ташхислаш ва самарали даволашга оид усуллари маҳаллий ва хорижий манбалар асосида таҳлил қилинган. Ҳиқилдоқнинг сурункали торайишини даволаш усуллари турлари баён этилган ҳамда улар орасидаги устунлик ва камчиликлар очиб берилган ва долзарб вазифалари келтирилган.

Диссертациянинг **«Ҳиқилдоқнинг сурункали торайиши ташхисланган беморларни даволаш тактикасини баҳолаш материал ва усуллари»** деб номланган иккинчи бобида учун Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникасининг оториноларингология бўлимида 2017-2020 йилларда ҳиқилдоқнинг сурункали чандиқли торайиши бўлган 52 нафар беморда ўтказилган тадқиқот натижалари баён қилинган.

Беморларнинг аксарияти Ўзбекистон туманлари ва Тошкент шаҳридан бўлиб, кам сонли беморлар Қозоғистон ва Тожикистондан келган. Ҳиқилдоқнинг сурункали торайиши билан оғриган беморларнинг 45 нафар (61,6%) қишлоқ аҳолиси, 40 нафар (38,4%) шаҳар аҳолиси; эркаклар – 49 нафар, аёллар – 36 нафар.

Ҳиқилдоқнинг сурункали чандиқли торайишининг жойлашувига кўра беморлар шартли равишда 3 гуруҳга бўлинди: ҳиқилдоқнинг овоз бойламлари соҳасида торайиш бўлган 5 нафар беморлар; ҳиқилдоқ овоз бойламлари ости соҳасида торайиш бўлган 25 нафар беморлар; ҳиқилдоқнинг овоз бойламлари ости ва трахеянинг бўйин соҳасида торайиш бўлган 22 нафар беморлар.

Барча гуруҳларни ўзига хослигини аниқлаш мақсадида барча гуруҳларнинг клиник, функционал, инструментал текшириш натижалари солиштирма таҳлил қилинди. Ҳиқилдоқнинг сурункали чандиқли торайиши бўлган беморларнинг аксарияти 20-40 ёшда, яъни меҳнатга лаёқатлик ёшида бўлиб, барча ёш гуруҳларида асосан эркаклар кўпчилиқни ташкил қилди. Назорат гуруҳини Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникаси ЛОР-бўлими ходимларидан иборат 20 нафар амалий соғлом шахслар ташкил қилди.

Барча беморларда аъзоларни текшириш, лаборатор текширишлар (қоннинг умумий таҳлили, қоннинг биокимёвий таҳлили, қонда ОИВ инфекциялари, В, С гепатитлар, сифилисга антитаналари титри, қон гуруҳи, резус фактор, коагулограмма, умумий сийдик таҳлили), ўпкалар, бурун атрофидаги бўшлиқлар рентгенографиясини ўз ичига олувчи ҳар томонлама текширишлар ўтказилди.

Барча гуруҳ беморларининг шикоятлари таҳлил қилинганда, беморлар асосан нафас олиш қийинлигига, йўталишга, трахеостома борлигига, ундан

балғам ажралишига, овоз бўғиқлигига шикоят қилишди. Шунга кўра гуруҳларни ўзига хослигини таҳлил қилиш мақсадида барча симптомларни визуал-аналогли шкала (ВАШ) ёрдамида Одан 5гача бўлган баллар тарзида баҳоланди. Бунда, 1 гуруҳ беморларни “нафас олиш қийинлиги” симптоми ўрта ҳисобда $4,2 \pm 0,3$ баллни, “йўтал” – $2,6 \pm 0,2$ баллни, “балғам ажралиши” – $2,1 \pm 0,1$ баллни, “овоз бўғиқлиги” – $4,8 \pm 0,4$ баллни, “трахеостома” – $3,7 \pm 0,2$ баллни ташкил қилди, 2 гуруҳ беморларида “нафас олиш қийинлиги” симптоми ўрта ҳисобда $4,1 \pm 0,2$ баллни, “йўтал” – $4,1 \pm 0,3$ баллни, “балғам ажралиши” – $3,4 \pm 0,3$ баллни, “овоз бўғиқлиги” – $3,8 \pm 0,3$ баллни, “трахеостома” – $3,8 \pm 0,3$ баллни ташкил қилди. 3 гуруҳ беморларида эса “нафас олиш қийинлиги” симптоми ўрта ҳисобда $4,3 \pm 0,4$ баллни, “йўтал” – $4,2 \pm 0,3$ баллни, “балғам ажралиши” – $3,3 \pm 0,3$ баллни, “овоз бўғиқлиги” – $3,7 \pm 0,3$ баллни, “трахеостома” – $3,8 \pm 0,3$ баллни ташкил қилди. Юқоридаги кўрсаткичлардан кўришиб турибдики, 2 ва 3 гуруҳ беморларида “йўтал” ва “балғам ажралиши” симптомлари беморларни безовта қилади, 1 гуруҳ беморларида эса асосан овоз бўғиқлиги симптоми яққол намоён бўлади. Аммо барча гуруҳ беморларини “нафас олиш қийинлиги” симптоми деярли бир хил тарзда безовта қилиши аниқланди.

Ҳиқилдоқнинг сурункали чандиқли торайиши бўлган беморларда ҳиқилдоқ торайишига олиб келган сабабларни умумлаштирган ҳолда В.Д.Паршин томонидан 2011 йилда таклиф қилинган классификация бўйича тақсимланди. Унга кўра, 1 гуруҳ беморларида ҳиқилдоқ торайиши асосан ҳиқилдоқ соҳасидаги жароҳат сабабли келиб чиққанлиги аниқланди. 2 гуруҳ беморларининг 21 нафарида интубациядан сўнг, 3 нафарида жароҳатдан сўнг, 1 нафарида идиопатик ҳиқилдоқ торайиши келиб чиққан. 3 гуруҳ беморларининг 6 нафарида эса трахеостомиядан сўнг, 14 нафарида интубациядан сўнг, 2 нафарида жароҳатдан сўнг, 1 нафарида идиопатик ҳиқилдоқ торайиши шаклланган.

Беморларни текшириш умумклиник текширув ва ички органларнинг ишини текшириш, шунингдек, ҳиқилдоқ, трахея ва пастки нафас йўлларидаги махсус текширувни ўз ичига олади. Бундан ташқари, биз ушбу ишнинг вазифаларини ҳал қилиш учун зарур бўлган тадқиқот турларини ўтказдик. Нафас олиш йўлларидаги микроблар таркиби, спирометрия тестлари ва қоннинг кислородга тўйинганлиги пулсоксиметр ёрдамида ўрганилди.

Беморларнинг умумклиник текширувига гемограмма, сийдик таҳлиллари, қоннинг биокимёвий кўрсаткичлари ва қон плазмасидаги электролитлар даражасини ўрганиш кирди. Кўрсатмаларга кўра, ички органларнинг (буйрақлар, жигар) ултратовуш текшируви ўтказилди. Барча беморларда электрокардиография ва ўпка рентгенографияси ўтказилди.

Клиник материални олиш мақсадли равишда, консерватив терапия ёки ҳиқилдоқ ва трахеяда чекланган миқдордаги жарроҳлик ва микрохирургик жарроҳлик амалларни ўтказиш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда ўтказилди.

Оториноларингологик текширув. Бемор ЛОР-аъзолари одатдагидек текшириб кўрилди, шу жумладан билвосита ларингоскопия ўтказилди. Билвосита ларингоскопия ва гипофарингоскопия билан бир қаторда, иложи борица трахеостома орқали трахеоскопия ва ретроград ларингоскопия ўтказилди.

Эндоскопик текширув. Барча ҳолларда ҳиқилдоқ, ҳиқилдоқ-ҳалқум ва трахеянинг эндоскопияси маҳаллий анестезия остида ўтказилди. Эндоскопия 70 ва 90 градус кўриш бурчакли қаттиқ эндоскоплар ёрдамида ўтказилди, мониторга видеотасвир узатилди. Зарурият бўлганда текширилган беморларнинг фото ва видео ҳужжатлари тузилди.

Компьютер томография. Бўйиннинг спирал компьютер томографияси 3-4-авлод Xreed ва Asteion (Toshiba, Япония) компьютер томографияси сканерларида амалга оширилди. Ҳиқилдоқ ва трахея тузилмаларининг инфорацион тасвирини олиш оптимал жисмоний ва техник сканерлаш шароитларини танлаш, беморни тўғри жойлаштириш ва КТ бўлакларини таҳлил қилиш учун махсус усуллардан фойдаланиш орқали эришилди.

Микробиологик текширув. Даволаш бошланишидан олдин ва даволаш жараёни динамикасида 52 нафар беморнинг ҳаммасида аэроб ва анаэроб шароитда ҳиқилдоқ ва трахеянинг микробли ҳолати ўрганилди. Ушбу текшириш Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникаси бактериологик лабораторияси ва Тошкент давлат стоматология институти микробиология лабораторияси ҳамкорлигида ўтказилди. Беморлардан материал йиғиш эндоскопия пайтида ҳиқилдоқ ва трахея ажралмасини стерил флаконларга аспирация қилиш йўли билан амалга оширилди. Нафас олиш йўлларида патологик экссудатни қайта олиш трахея ва ҳиқилдоққа трахеостома орқали киритилган ингичка стерил полиэтилен катетерлар ёрдамида боғламни алмаштириш пайтида амалга оширилди.

Спирометрия. Ҳиқилдоқ ва трахеянинг тикланган функцияларининг сифати спирограф ва пневмотахометрияда ўлчанган спирография кўрсаткичлари билан баҳоланди. Ташқи нафас олиш функциясини ўрганиш “Валента” аппаратида жарроҳлик амалидан олдин, шунингдек, жарроҳлик амалидан кейинги яқин ва узоқ муддатларда амалга оширилди.

Морфологик текширув. Тадқиқотлар Тошкент шаҳар патологик анатомия бюроси (директори Д. Д. Ортиқов) лабораториясида олиб борилди. Морфологик тадқиқотлар учун 10-12% нейтрал формалин билан маҳкамланган, сўнгра керосинга солинган бўлақлар ҳиқилдоқ ва трахеядаги чандиқдан олинди. Ўнатилгандан сўнг, бўлақларнинг керосин қисмлари гематоксилин ва эозин билан бўялган, шунингдек, Ван Гиссон усули ёрдамида бириктирувчи тўқималарнинг тузилмаларини ўрганиш учун ишлатилди. Бир-биридан 50-70 микрон масофада жойлашган парафин блоклардан қалинлиги 8-10 микрон бўлган 12-14 серияли бўлақлар тайёрланди. Микроскопик тадқиқотлар ёруғлик микроскопи “ХС-213” (об. 20, са.-10) ёрдамида амалга оширилди. Ван Гиссон бўйича гистологик препаратларни бўяш усули


гематоксилин ва пикрик кислотанинг фуксин кислотаси билан аралашмаси билан кетма-кет ишлов бериш орқали амалга оширилади.

Статистик таҳлил. Ушбу тадқиқот натижаларининг статистик таҳлили Microsoft Excel 2016 ва Statistica 7.0 (StatSoft, Inc., АҚШ) дастурий пакетидан фойдаланиб бажарилди. Миқдорий белгиларнинг тавсифий статистикаси ўртача квадратик оғишлар билан тақдим этилган ($M \pm s$ форматда). Сифат белгиларнинг тавсифий статистикаси абсолют ва нисбий частоталар билан келтирилган. Миқдор ва тартиб белгилари бўйича боғланмаган гуруҳларни таққослаш учун Манн-Уитнининг нопараметрик тести қўлланди. Сифат белгилари бўйича боғланмаган гуруҳларни таққослаш Хи-квадрат тести ва Фишернинг нуқтали мезонидан фойдаланиб ўтказилди. Фаразларни текширишда аҳамиятлиликнинг $p < 0,05$ даражасига эришилганда натижалар статистик аҳамиятли ҳисобланди.

Диссертациянинг «**Ҳиқилдоқнинг сурункали чандиқли торайиши бўлган беморларни текшириш натижалари**» деб номланган учинчи бобида ҳиқилдоқнинг сурункали чандиқли торайиши бўлган 52 нафар беморда комплекс равишда клиник-функционал, лаборатор ва инструментал текшириш усуллари таҳлил қилинган.

Ҳиқилдоқнинг сурункали чандиқли торайиши бўлган беморларда ҳиқилдоқнинг нафас ўтказиш функциясини ўрганиш учун спирометрия текшируви ўтказилди. Унга кўра, 1 гуруҳ беморларида ОФВ1 – $1,46 \pm 0,7$ л.ни, ОФВ1 - $49,54 \pm 0,6\%$ ни, ПОС - $2,17 \pm 0,8$ л.ни, ПОС - $31,54 \pm 15,2\%$ ни, 2 гуруҳ беморларида ОФВ1 – $1,55 \pm 0,7$ л.ни, ОФВ1 - $50,12 \pm 0,7\%$ ни, ПОС - $2,19 \pm 0,9$ л.ни, ПОС - $32,07 \pm 16,8\%$ ни, 3 гуруҳ беморларида ОФВ1 – $1,51 \pm 0,7$ л.ни, ОФВ1 - $50,22 \pm 0,7\%$ ни, ПОС - $2,18 \pm 1,0$ л.ни, ПОС - $31,96 \pm 16,6\%$ ни ташкил қилди.

Ҳиқилдоқ ва трахеянинг эндоскопик текшируви асосий гуруҳнинг барча 60 нафар беморида, улар бошқариладиган нафасдан мустақил нафас олишга ўтказилаётганда амалга оширилди. Ҳиқилдоқнинг бурмалар соҳаси торайиши 22 нафар беморда, овоз бойламлари ости соҳаси торайиши - 10 нафар аниқланди. Юмшоқ тўқимали ҳосилалар ўсиши ҳисобига трахея бўйин қисмининг торайиши 29 нафар беморда, кўкрак қисмининг торайиши – 6 нафар беморда аниқланди. 17 нафар беморда трахея бўйин ва кўкрак қисмининг эрозив трахеити учради. Шундай қилиб, асосий гуруҳнинг биринчи гуруҳидаги беморларда кўп ҳолларда (57%) аниқланган патологик ўзгаришлар ҳиқилдоқ ва трахеянинг юмшоқ тўқимали ҳосилалари кўринишида, айрим ҳолларда (37%) яққол яллиғланишли характерда бўлди. ЎСВ ўртача 5 кунгача давом этганда 31 нафар (38%) беморда патологик ўзгаришлар асосан яллиғланиш характерига эга бўлди. ЎСВ 5 кундан ортиқ давом этганда 46 нафар (56%) беморда ҳиқилдоқ ва трахея шиллиқ қаватининг органик шикастланган жойларида бириктирувчи тўқималарнинг ўсиб кетиши қайд этилди (1-расм).




1 гуруҳ

2 гуруҳ

3 гуруҳ

1-расм. Ҳиқилдоқнинг сурункали чандиқли торайиши бўлган беморларни эндоскопик текширув кўриниши

Шундай қилиб, ЎСВ давомийлиги ва ҳиқилдоқ ва трахеяда чандиқли жараённинг ривожланиши ўртасида боғлиқлик кузатилади. Эндоскопик текширувда ҳиқилдоқ ёриғининг 1 даражали торайиши (50%гача бекилиши) 1 гуруҳ беморларининг 4 нафарида, 2 гуруҳ беморларининг 9 нафарида, 3 гуруҳ беморларининг 3 нафарида, ҳиқилдоқ ёриғининг 2 даражали торайиши (51-70%гача бекилиши) 1 гуруҳ беморларининг 1 нафарида, 2 гуруҳ беморларининг 14 нафарида, 3 гуруҳ беморларининг 6 нафарида, ҳиқилдоқ ёриғининг 3 даражали торайиши (71-99%гача бекилиши) 2 гуруҳ беморларининг 2 нафарида, 3 гуруҳ беморларининг 9 нафарида, ҳиқилдоқ ёриғининг 4 даражали торайиши (тўлиқ бекилиши) фақатгина 3 гуруҳ беморларининг 5 нафарида кузатилди (2-расм). Интубация, ЎСВ ва трахеостомия ўтказилган асосий гуруҳдаги беморларда эндоскопик текширув пайтида ҳиқилдоқ ва трахеясида аниқланган баъзи патологик ўзгаришлар кўрсатилган.



2-расм. Эндоскопик текширувда ҳиқилдоқ ёриғининг торайиши даражалари (Myers-Cotton бўйича, 1994)


12 нафар беморда ҳиқилдоқ ва трахеянинг кўшма торайиши аниқланди. Улар орасида 6 нафар беморда ҳиқилдоқ ва трахея бўйин қисмининг кўшма торайиши, 5 нафар беморда–трахеянинг кўкрак ва бўйин қисмининг торайиши, 1 тасида - ҳиқилдоқ, трахея кўкрак ва бўйин қисми торайиши аниқланди. Назорат гуруҳидаги интубация, сунъий вентиляция ва трахеостомия ўтказилган нафас олиш декомпенсацияси белгилари билан қабул қилинган 60 нафар беморнинг ҳаммасида ҳиқилдоқ ва трахеянинг кўкрак ва бўйин қисми эндоскопик текширувдан ўтказилди. Назорат гуруҳи беморларида ҳиқилдоқда аниқланган патологик ўзгаришлар 10 нафар (18%) ҳолатда ҳиқилдоқ бурмаларида ва 21 нафар (34%) ҳолатда овоз бойламлари ости соҳасида жойлашган. Бунда 12 нафар (15%) ҳолатда улар кўпол чандиқли деформация кўринишида бўлди. Трахея бўйин қисмининг торайиши 31 нафар (38%) беморда, кўкрак қисмининг торайиши - 8 нафар (9,8%) беморда аниқланди. Бунда трахеяни торайтирадиган патологик ҳосилалар зич грануляция ва чандиқли тўқима кўринишида бўлди. Ўртача 6 ойгача бўлган чандиқли жараённинг давомийлигида 19 нафар (23%) беморда патологик ўзгаришлар асосан яллиғланиш хусусиятига эга бўлди. Чандиқли жараён давомийлиги 6 ойдан ошганда, 63 нафар (77%) беморда ҳиқилдоқ ва трахея шиллиқ қаватининг органик шикастланган жойларида бириктирувчи тўқима ўсганлигини кўрсатди.

Барча гуруҳ беморларда торайишнинг ўрни, унинг узунлиги, ҳажми, торайишнинг даражаси, ёндош аъзоларнинг жойлашуви, уларга таъсирини ўрганиш мақсадида бўйин соҳаси мултиспирал компьютер томографияси ўтказилди. Ўтказилган мултиспирал компьютер томография натижасида ҳиқилдоқ ва трахея соҳасида жойлашган чандиқли жараённинг узунлиги ҳам таҳлил қилинди. Унга кўра, 1 смгача бўлган чандиқ 1 гуруҳ беморларининг барчасида, 2 гуруҳ беморларининг 20 нафарида, 3 гуруҳ беморларининг 12 нафарида кузатилди. 1-2 см узунликдаги чандиқ 2 гуруҳ беморларининг 5 нафарида, 3 гуруҳ беморларининг 8 нафарида аниқланди. 2 ва ундан узун бўлган чандиқ эса фақатгина 3 гуруҳ беморларнинг 5 нафарида учради. Бу жараённинг ҳиқилдоқ овоз бойламлари ости ва трахея соҳасида жойлашган чандиқни даволашда инобатга олиш кераклигини таъкидлайди, чунки беморларда режалаштирилмай ўтказилган жарроҳлик амали чандиқланиш жараёнининг қайталанишига сабаб бўлади.


Ҳиқилдоқ, трахея, бронхлар шиллиқ пардаларининг ва трахеостома тери-трахеал каналининг микроорганизмлари ўрганилди. 1 гуруҳ беморларининг 2 нафарида *Staph. aureus*, 2 нафарида *Staph. hemolyticus*, 1 нафарида *Str. viridans*, 1 нафарида *Proteus vulgaris* аниқланди. 2 гуруҳ беморларининг 8 нафарида *Staph. aureus*, 5 нафарида *Staph. hemolyticus*, 3 нафарида *Str. viridans*, 1 нафарида *Str. pyogenus*, 1 нафарида *Proteus vulgaris*, 1 нафарида *Candida albicans* аниқланди. 3 гуруҳ беморларининг 10 нафарида *Staph. aureus*, 5 нафарида *Staph. hemolyticus*, 4 нафарида *Str. viridans*, 1 нафарида *Str. pyogenus*, 2 нафарида *Proteus vulgaris*, 1 нафарида *Candida*

albicans аниқланди. Нафас йўлларида кўпинча пиоген кокклар (стафилококклар ва стрептококклар) учради, уларнинг улуши ўртача 49,7%ни ташкил қилади. Бироқ турли этиологик гуруҳларда пиоген коккларнинг ўсиш частотаси жуда кенг диапазонда, яъни 31,5% дан 100% гача бўлди. Бактериал инфекцияларни консерватив даволашнинг етакчи усули антибиотиклар ва кимётерапия билан антибактериал терапия ҳисобланади. Бундай даволашнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан микрофлоранинг ушбу препаратларга сезгирлигига боғлиқ. Шунинг учун, микрофлора турини аниқлаш билан бирга, ажратилган штаммларнинг асосий антибиотик гуруҳларига сезувчанлигини аниқладик. Шундай қилиб, ушбу бўлимни хулоса қилиб шуни таъкидлаш лозимки, ҳиқилдоқ, трахеостома ва бронхлар инфекцияси ўчоқларидан олинган патоген флора жуда хилма-хил таркибга эга. Бактерияларнинг антибиотикларга сезувчанлигини ўрганиш шуни кўрсатдики, ҳар хил антибактериал дорилар таъсир спектрлари кўпинча ажратилган бактерияларнинг барча турларига мос келмайди. Шу билан бирга, энг таниқли кенг спектрга эга антибиотиклар (пенициллинлар ва аминогликозидлар) аслида ажратиб олинган патоген микроорганизмларнинг штаммларига нисбатан нофаол бўлиб чиқди. Бинобарин, ҳиқилдоқ, трахеостома ва бронхлар бактериал биоценозларининг полимикроб табиати, фақат баъзи препаратларга сезгирлиги юқори бўлган патоген ноклостридиал анаэроблар борлиги, шунингдек, яхши ўрганилган кўп бактерияларнинг таниқли антибиотикларга чидамлилигининг ортиши - буларнинг барчаси бундай беморларга антибактериал терапиянинг янада самарали усуллари излаш зарурлигини белгилаб берди.

Ҳиқилдоқнинг сурункали чандиқли торайиши бўлган беморларнинг барчасида ўтказилган морфологик текширув ёрдамида касалликнинг яхши кечиши ва ёмон кечиши прогнози омиллари аниқланди. Бунда шиллиқ қаватнинг қалинлашиши сурункали яллиғланиш ва фиброз ўчоқларининг шаклланиш фонида содир бўлди. Шу билан бирга, яллиғланиш ўчоқларида плазмацитар инфильтрация устунлик қилди. Кўпгина ўрганилган макропрепаратларда ҳиқилдоқ ва трахея шиллиқ қаватининг кўп қаторли ҳилпилловчи эпителийси тукларининг сақланиши, аммо ҳиқилдоқ ёриғини тўлиқ ёпган чандиқлардан олинган макропрепаратларда ушбу тукларнинг бутунлай йўқолганлиги аниқланди. Тоғай қисмда эса оссификация ўчоқлари аниқланди. Ушбу аниқланган кўрсаткичларга кўра, ҳиқилдоқ ёриғининг тўлиқ бекилиши билан бирга тоғай халқаларининг оссификацияси, ҳиқилдоқ ва трахея шиллиқ қаватининг эпителийси тукларининг йўқолиши ҳиқилдоқнинг сурункали чандиқли торайишининг шаклланишида ёмон омил сифатида ҳисоблаш мумкин (3,4-расм).



3-расм. Етук кўп қаватли ясси мугузланмайдиган эпителий остида толали, бириктирувчи-фиброз-чандик тўқима аниқланади. Периваскуляр инфильтрация, қон томирларда эритроцитлар тўпланиши аниқланади. Майда гомоген майдонлар (некроз) кўринади.



4-расм. Бириктирувчи тўқимани толали тузилиши, жуда кўп миқдорда лимфоцитар инфильтрация ва некроз ўчоқлари аниқланади.

Кўпгина беморларда узок муддат давомида давомли интубация ўтказилганлиги сабабли ҳиқилдоқ ва трахеяда тегишли ўзгаришлар юзага келганлиги аниқланди. Шунга кўра, 31% ҳолларда трахея шиллик қаватининг жароҳатланганлиги кузатилди. Баъзан шиллик остида қонталашлар (20%) ва трахеяда эроҳиялар (18%) аниқланди. Шунини ҳам таъкидлаш лозимки, интубацион найчанинг ҳиқилдоқ ва трахея деворларини қанча узок таъсир ўтказса, шунча яққол ўзгаришларга олиб келган. Ҳиқилдоқ ва трахеянинг тоғай тўқимасидаги деструктив ва дистрофик жараёнлар ривожланиши нафақат механик вентиляция давомийлиги, балки беморнинг умумий аҳволининг оғирлиги, нафас олиш тизими, юрак-қон томир ва марказий асаб тизимининг функционал бузилишлари, шунингдек, нозокомиал инфекциянинг эрта кўшилиши билан (трахеобронхит, пневмония, сепсис) билан ҳам боғлиқ бўлиши мумкин. Ҳиқилдоқ ёриғининг торайишига сабаб бўлган ушбу чандиқларнинг ўзига хослиги уларда шиллик қаватнинг юпқалашиши билан субмукозал қатламда кўпол бириктирувчи тўқималарнинг ҳосил бўлишидир, бу шиллик қаватда қайтмас жараёнларнинг шаклланишига олиб келади. Морфологик таҳлил натижаларига кўра, ҳиқилдоқнинг чандиқли торайиши шаклланишида бир вақтнинг ўзида яллиғланишнинг бир неча босқичлари кечаётганлиги аниқланди. Баъзи майдонларда алтерация ўчоқлари аниқлади, бошқа жойларда эса грануляцион тўқималарнинг пайдо бўлиши кузатилди, баъзи майдонларда эса фиброз ва шиллик қаватнинг репарацияси билан бирга продуктив яллиғланишнинг кечиши аниқланди. Шунини ҳам таъкидлаш лозимки, бундай жараёнларнинг кечишига сабаби сифатида қайталаниш жараёнига олиб келувчи структур ва метаболит жараёнларнинг таъсирига учраган бириктирувчи тўқиманинг тулиқ етилмаганлиги ҳисобланади. Деструктив-яллиғланиш жараёнлари ҳиқилдоқ ва трахеянинг барча қаватларида аниқланади, асосан шиллик ости қават соҳасида яққол намоён

бўлганлиги кузатилди.

Барча гуруҳ беморларида қоннинг кислород билан тўйинганлигини аниқлаш мақсадида пульсоксиметрия текшируви ўтказилди. Ҳиқилдоқнинг овоз бойламлари соҳасида торайиши бор беморларда (1 гуруҳ) ўтказилган пулсоксиметрия текширувига асосан, юрак уриш сони – $80,6 \pm 2,1$ тани, SpO_2 – $92,1 \pm 3,3\%$ ни қайд этди. Ҳиқилдоқнинг овоз бойламлари ости соҳасида торайиши бўлган беморларда (2 гуруҳ) юрак уриш сони – $86,8 \pm 2,7$ тани, SpO_2 – $90,7 \pm 2,9\%$ ни ташкил қилди. Ҳиқилдоқнинг овоз бойламлари ости ва трахея соҳасида торайиши бўлган беморларда (3 гуруҳ) юрак уриш сони – $82,5 \pm 3,1$ та, SpO_2 – $96,5 \pm 2,8\%$ бўлди. Ушбу кўрсаткичларга асосан, ҳиқилдоқнинг сурункали чандиқли торайиши бўлган беморларда юрак уриш сони ва қоннинг кислородга тўйинганлик кўрсаткичи бир-бирига тўғри пропорционал ҳисобланади. Юқоридаги комплекс текширув натижаларини инобатга олган ҳолда шуни таъкидлаш лозимки, ҳиқилдоқнинг сурункали торайиши бўлган беморларни клиник-функционал, эндоскопик, компьютер томографик, морфологик текшириш ушбу гуруҳ беморларида чандиқланиш жараёни тўғрисида тўлиқ маълумот беради ҳамда даволовчи шифокорга даволаш тактикасини тўғри танлашда ёрдам беради.

Диссертациянинг «**Ҳиқилдоқнинг сурункали чандиқли торайиши бўлган беморларни турли даволаш усулларини таҳлил қилиш**» деб номланган тўртинчи бобида ушбу беморларни даволаш усулларининг самарадорлиги ўрганилган.

Барча гуруҳ беморларида турли жарроҳлик амалларини самарадорлигини аниқлаш мақсадида 2 кичик гуруҳларга бўлинган ҳолда даволаш чоралари ўтказилди (5-расм).

Ҳиқилдоқнинг овоз бойламлари соҳасида торайиши бўлган 1 а гуруҳ беморларига ҳиқилдоқ торайишига сабаб бўлган чандиқни кесиш ва ундан кейинги даврда декасан инголяцияси тавсия этилди. 1 б гуруҳ беморларига эса чандиқни кесиш ва Т-симон трубка қўйиш ҳамда жарроҳлик амалидан кейинги даврда декасан инголяцияси қўлланилди.

Ҳиқилдоқнинг овоз бойламлари ости соҳасида торайиш бўлган 2 а гуруҳ беморларида ларингофиссура ва чандиқни кесиш амали ўтказилди, ундан сўнг шу соҳага целестодерм, контратубекс малҳамлари билан ишлов берилиб, декасан эритмаси билан инголяциялар берилди. 2 б гуруҳига эса баллон дилатация амали бажарилиб, ундан кейин декасан эритмаси ёрдамида инголяциялар қўлланилди. Эҳтиёж бўлганда Т-симон трубка ҳам қўйилди.


